Financial and Economic Sustainability
FINECS ISSN-2181-1636 Vol. 3, Issue 3, Sept, 2023
https://finecs.net

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА МҲХСНИ ҚЎЛЛАШНИНГ МОҲИЯТИ ВА ЗАМОНАВИЙ АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Аҳмаджонов Азимжон Каримжон ўғли,
Тошкент Кимё халқаро университети
мустақил изланувчиси, PhD
akhmadjonov@tpp.uz

Аннотация. *Мақолада Ўзбекистон Республикасида Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)ни жорий этиш жараёни, унинг зарурияти ва замонавий аудиторлик фаолиятини ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари тадқиқ этилган. Энергетика секторида МҲХСни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базасининг ривожланиш босқичлари таҳлил қилинган.*

Аннотация. *В статье исследуется процесс внедрения Международных стандартов финансовой отчетности (МСФО) в Республике Узбекистан, их необходимость и нормативно-правовые основы организации современной аудиторской деятельности. Проанализированы особенности применения МСФО в энергетическом секторе и этапы развития законодательной базы, регулирующей аудиторскую деятельность.*

Abstract. *The article examines the process of implementing International Financial Reporting Standards (IFRS) in the Republic of Uzbekistan, their necessity and regulatory-legal framework for organizing modern audit activities. The specific features of IFRS application in the energy sector and the development stages of the legislative base regulating audit activities are analyzed.*

Калит сўзлар: *МҲХС, аудиторлик фаолияти, молиявий ҳисобот, энергетика сектори, меъёрий-ҳуқуқий база.*

Ключевые слова: *МСФО, аудиторская деятельность, финансовая отчетность, энергетический сектор, нормативно-правовая база.*

Keywords: *IFRS, audit activity, financial reporting, energy sector, regulatory framework.*

Кириш

Ҳозирги вақтда энергетика сектори жаҳон иқтисодиётида ҳал қилувчи роль ўйнамоқда, табиийки, кўплаб йирик компаниялар тобора ташқи бозорга чиқишга интилмоқда. Айримлари ўзининг амалиётлар билан боғлиқ фаолиятини жаҳон миқёсида амалга оширишни бошлаган. МҲХСнинг жорий этилиши кўпгина энергетика компанияларига узоқ муддатли муҳим афзалликларни тақдим этмоқда, лекин шу билан бирга, уларнинг олдига жиддий масалаларни ҳал қилиш вазифасини ҳам қўймоқда.

Энергетика сектори дастлабки даврда катта инвестициялар зарур бўлиши билан тавсифланади, бу кўпинча, узоқ муддатли истиқболда олиниши мумкин бўлган натижаларга нисбатан ноаниқлик ва мавҳумлик билан кузатилади. Геосиёсат, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, энергия ва табиий ресурсларни етказиб бериш, шунингдек, савдо-сотиқ соҳаларида юзага келаётган қийинчиликлар компанияларнинг манфаатдор томонлар ва бошқа корхоналар билан ўзаро мураккаб муносабатлари билан биргаликда МҲХСга ўтиш ва янги стандартларни жорий этиш борасидаги муайян мажмуавий хулосаларни талаб этади.

Адабиётлар шарҳи. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) ва аудиторлик фаолияти масалалари кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ этилган. Ўзбекистон миқёсида бу соҳадаги илмий изланишлар нисбатан янги бўлиб, асосан сўнгги икки ўн йилликда жадаллашган.

Иқтисодий экспертлар Ҳ. Иргашев ва И. Ахмадхоновлар томонидан Ўзбекистонда МҲХС стандартларининг ўзбек тилига таржимаси тарихи ва жорий этишдаги муаммолар батафсил ёритиб берилди. Уларнинг фикрича, республикамизда илк бор 2013 йилда Ўзбекистон бухгалтерлари ва аудиторлари миллий ассоциацияси (ЎзБАМА) томонидан тегишли давлат органлари ва халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда МҲХС стандартларининг ўзбек тилига таржимаси амалга оширилган. Ўзбекистон Аудиторлар палатаси, Молия вазирлиги, Марказий банк ва йирик аудиторлик ташкилотлари “Кўриб чиқиш комиссияси” аъзолари сифатида таржима жараёнида қатнашган.

Иқтисодчи олимлар А. Каримов, И. Қўзиев ва М. Раҳимовлар МҲХСга ўтишнинг корхона ва ташкилотлар учун афзалликларини таъкидлашган. Уларнинг фикрига кўра, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий, мулкий ва молиявий ҳолатини, уларнинг ўтган даврлардаги молиявий натижаларини қиёсий ўрганиш ва объектив баҳолаш орқали келгусидаги фаолиятини кенгайтириш, ташқи молиявий манбаларни излаб топиш, халқаро молиявий институтлардан капитал жалб қилиш имконини беради.

Иқтисодчи олим И. Исманов эса, ўз илмий мақоласида МҲХС моҳиятини қуйидагича таърифлаган: “МҲХС молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этишнинг ижтимоий манфаатларда қабул қилинган қоидаларидир. Бу халқаро даражада амал қилувчи ҳисоб тизимидир.”

Хорижий олимлардан В.А. Терехова турли мамлакатлар томонидан МҲХС қўлланишининг асосий сабабларидан бири сифатида компаниянинг ҳисоботни шакллантириш харажатларини қисқартиришини келтириб ўтади. Лекин бу нуқтаи назар изоҳга муҳтож, чунки ҳисобни меъёрий тартибга солишга нисбатан МҲХСда молиявий ҳисобот моддаларини баҳолашнинг бироз бошқачароқ қоидалари (“адолатли қиймат” тушунчаси кенг ишлатилади) кўзда тутилган.

Аудиторлик фаолиятининг назарий асослари турли олимлар томонидан турлича ёритилган. Иқтисодчи олим В.П. Климович аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни тўрт даражага бўлган. Иқтисодчи олим Р.Д. Дусмуратов томонидан Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш тизими ва унинг элементлари уч поғонага ажратилган. Иқтисодчи олим Ҳ.Н. Мусаев эса аудитнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи меъёрий ҳужжатларни бир неча турларга ажратган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш, иқтисодий адабиётларни ўрганиш ҳамда тизимли таҳлил услублари қўлланилган. Бунда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек, халқаро тажриба асосида комплекс таҳлил амалга оширилган.

Тадқиқотда кўп қиррали методологик ёндашув қўлланилди. Назарий таҳлил методи орқали молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига оид илмий адабиётлар, қонунчилик ҳужжатлари ва меъёрий актлар ўрганилди. Қиёсий таҳлил методи ёрдамида миллий ва халқаро стандартларнинг ўзаро боғлиқлиги, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари аниқланди.

Тизимли ёндашув методи асосида Ўзбекистон Республикасида МҲХСни жорий этишнинг барча босқичлари ва омиллари комплекс тарзда таҳлил қилинди. Амалий тадқиқот учун кейс-стади методи қўлланилиб, “Иссиқлик электр станциялари” АЖнинг молиявий ҳисоботлари батафсил ўрганилди. Бунда ташкилотнинг миллий стандартлардан халқаро стандартларга ўтиш жараёнидаги амалий муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари аниқланди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. 2015 йил 24 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4720-сон қарорининг қабул қилиниши халқаро стандартларнинг жорий этилишига асосий туртки бўлиб хизмат қилди. Унда таъкидланишича, 2015-2018 йиллар давомида барча акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботларини нашр этишга ва унинг ташқи аудитини Халқаро аудит стандартлари ҳамда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказишга ўтишлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 майдаги “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сон қарори алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги МҲХСни жорий этиш бўйича ваколатли орган этиб белгиланди.

Молия вазирлигига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда МҲХСнинг жорий этилишини мониторинг қилиш, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари томонидан молиявий ҳисоботлар МҲХС асосида ўз вақтида эълон қилинишини назорат қилиш каби муҳим вазифалар юклатилди. Шунингдек, МҲХС соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича жаҳоннинг муваффақиятли тажрибаларини оммалаштириш, шу жумладан, бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича нодавлат таълим ташкилотларини ҳамда соҳага оид олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларини босқичма-босқич халқаро аккредитациядан ўтказиш юзасидан бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш вазифаси ҳам белгиланди. Ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаси асосида ўқув жараёнининг сифатини, имтиҳонларни ўтказиш ва натижаларини баҳолашнинг шаффофлигини таъминловчи МҲХС бўйича сертификатлашнинг самарали тизимини жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

МҲХС шундай қоидалар йиғиндисики, улар компанияларга молиявий ҳисобни қандай олиб боришни, унда қайси хўжалик операциялари акс эттирилишини ва умуман ҳисоботни қандай тузиш зарурлигини белгилайди. Молиявий ҳисоботни юритиш ва расмийлаштириш усулларини қатъий тартибга соладиган бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларидан фарқли ўлароқ, МҲХСда фақат уни тузиш тамойилларигина ёритилган.

МҲХС аниқ ҳисоблар режасидан иборат эмас, уларда дастлабки проводкалар рўйхати ёки бухгалтерия ҳисобини юритишнинг қатъий қоидалари мавжуд эмас. МҲХС ҳужжатлар тизими бўлиб, унга қуйидагилар киради: 1) Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (IFRS); 2) Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари (IAS); 3)МҲХС талқинига шарҳлар (Interpretations of International Accounting Standards, IIAS). Ушбу ҳужжатларнинг барчаси стандартларнинг моҳиятини очиб бериш билан бирга, уларнинг ягона талқинда қўлланилишини ҳам таъминлайди.

МҲХСга кирмайдиган, лекин уларни ишлаб чиқишда ишлатиладиган стандартлар молиявий ҳисоботнинг концептуал асосларидан иборат бўлади.

Энергетика компанияларида қўшимча қийматни яратиш занжири ва МҲХСни тўлақонли жорий этиш учун бухгалтерия ҳисобини юритиш муҳим масала ҳисобланади. Энергетика секторининг газ, электр ёки сув таъминоти билан шуғулланадиган барча компаниялари мол етказиб берувчидан товарни олиш, уни мижозга етказиб бериш ва зарур инфратузилмани ишчи ҳолатда сақлаб туриш билан боғлиқ масалаларга дуч келади.

Электр энергетикаси компаниялари бошқа маҳсулот турларига ўхшаб омборларда сақлаб бўлмайдиган маҳсулот назоратини амалга ошириш борасида қўшимча қийинчиликларни бошдан кечиради. Анъанавий интеграциялашган электр энергетикаси компанияси электр энергияси ишлаб чиқаришни амалга оширади, уни бутун мамлакат ёки минтақа бўйлаб юқори кучланишли электр узатувчи линиялар орқали узатади, ва охир-оқибат, уни улгуржи савдо тармоқлари орқали мижозларга етказиб беради.

Ҳозирги вақтда энергетика сектори ривожланишда давом этар экан, унинг кўплаб оператив ва тартибга солувчи моделлари пайдо бўлмоқда. Меъёрий-ҳуқуқий муҳит ҳар бир мамлакатда ёки ҳатто, бир мамлакат доирасида ҳам бир-биридан фарқланади, у мураккаб бўлиши ва қатор қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Интеграциялашган компаниянинг фаолияти тартибга солувчи органлар томонидан ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш ва улгуржи савдо турларига бўлиниши мумкин. Нархни шакллантиришда, таъминот узлуксизлигини таъминлашда, карбонат ангидрид гази ва бошқа ифлослантирувчи моддалар чиқиндиси миқдорини қисқартириш учун зарур чораларни қабул қилишда доимий давлат иштирокидаги меъёрий-ҳуқуқий муҳит рақобатнинг ўсиши билан биргаликда, бизнес юритиш усулларига ҳам таъсир кўрсатади ва бухгалтерия ҳисоби соҳасида мураккаб масалаларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Мамлакатимизда аудиторлик фаолиятининг эволюциясини тадқиқ қилиш натижаларига асосланиб, уни меъёрий-ҳуқуқий тартибга солиш тизимининг ривожланишини қуйидаги жадвалда кўрсатилган тўртта босқичга бўлиш мумкин.

1-жадвал.

Ўзбекистонда аудиторлик фаолияти ҳуқуқий-меъёрий асосларининг ривожланиши[1]

Босқичлар	Давр	Қисқача тавсифи

[1] Профессор Р.Д. Дусмуратовнинг “Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг шаклланиши ва унинг услубиётини такомиллаштириш” мавзусидаги диссертацияси ва А.Х. Сатторовнинг “Аудиторлик фаолиятининг кўп поғонали тизимини такомиллаштириш” мавзусидаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация ишларидан фойдаланилган.

I босқич	1990-1992 йиллар	XX асрнинг 90-йиллари бошидан 1993 йилгача, яъни 1992 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги 734-XII-сон Қонуни қабул қилингунига қадар.
II босқич	1993-2000 йиллар	Аудиторлик фаолияти миллий стандартлари (АФМС) ишлаб чиқила бошланди. 2000 йил 26 майда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги 78-II-сон Қонуни ва 2000 йил 22 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг “Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида”ги 365-сон қарори қабул қилинди.
III босқич	2001-2016 йиллар	2007 йил 4 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида”ги 615-сон қарори ҳамда 2007 йил 17 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-110-сон Қонуни қабул қилинди.
IV босқич	2017 йилдан ҳозиргача	Сўнгги босқичда қуйидаги муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди: Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-677-сон Қонуни; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946 сон қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 августдаги “Аудиторларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5210-сон қарори; Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 мартдаги “Аудиторлик фаолиятини лицензиялаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 218-сон қарори; Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 майдаги “Ички аудит хизмати ходимларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 280-сон қарори; Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун аудитнинг халқаро стандартларини тан олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 171-сон қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 майдаги “Аудиторлик ташкилотлари

		фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 274-сон қарори; Молия вазирлигининг 2018 йил 18 декабрдаги “Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 3105-сон буйруғи; Халқаро аудит стандартлари.

Биринчи босқич (1990-1992 йиллар). Ушбу босқич XX асрнинг 90-йиллари бошидан 1993 йилгача, яъни 1992 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги 734-XII-сон Қонуни қабул қилингунига қадар давом этган.

Иккинчи босқич (1993-2000 йиллар). Ушбу даврда Аудиторлик фаолияти миллий стандартлари (АФМС) ишлаб чиқила бошланди. 2000 йил 26 майда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги 78-II-сон Қонуни ва 2000 йил 22 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг “Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида”ги 365-сон қарори қабул қилинди.

Учинчи босқич (2001-2016 йиллар). 2007 йил 4 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида”ги 615-сон қарори ҳамда 2007 йил 17 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-110-сон Қонуни қабул қилинди.

Тўртинчи босқич (2017 йилдан ҳозиргача). Сўнгги босқичда кўплаб муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 майдаги “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 274-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-677-сон Қонуни ва бошқа шу каби муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

2018 йил 19 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сон қарорида аудиторлик фаолияти ва хизматларининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммолар аниқланган.

Хусусан, аудиторлик ташкилотларига ишончлилик даражаси паст эканлиги сабабли, аудиторлик текширувига молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлигини тасдиқлашнинг кафолати сифатида эмас, балки ортиқча ва малол келадиган маъмурий тартиб-таомил сифатида қаралмоқда. Шунингдек, аудиторлик ташкилотларини танлаб олиш бўйича мавжуд чекловлар ва танловлар ўтказиш амалиёти, кўп ҳолларда, шу жумладан, нарх борасида инсофсиз рақобатни келтириб чиқаради, бунинг оқибатида эса, аудиторлик хизматлари сифати ва аудиторлик хулосаларининг ҳаққонийлиги пасаймоқда.

Аудиторларни махсус тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг амалдаги тизими юзаки тусга эга бўлиб, профессионал тайёргарлик ва аудиторлик

хизматлари сифатининг зарурий даражасини таъминламаяпти, шу жумладан, аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартларга мослигини таъминламаяпти. Бу эса, аудитор касби нуфузининг пасайишига олиб келмоқда.

Аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назорат қилишнинг самарали тизими мавжуд эмас, бу лицензияловчи органнинг ҳуқуқий таъсир чоралари чекланган шароитида сифатсиз аудиторлик хизматларини кўрсатиш ҳолларига ва аудиторларнинг инсофсиз хатти-ҳаракатларига нисбатан тезкор чора кўриш имконини бермаяпти.

Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари умумэътироф этилган халқаро аудит стандартларига тўлиқ мос эмас, бу эса хорижий инвесторларда маҳаллий корхоналар молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлигини тушуниш кўникмасининг шаклланишини таъминламаяпти.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-677-сон Қонунининг янги таҳририга мувофиқ, аудиторлик фаолиятини фақат аудитнинг халқаро стандартлари асосида амалга ошириш белгиланди. Бу Ўзбекистондаги аудиторлик фаолиятининг халқаро амалиётдаги, ривожланган давлатлардаги аудит фаолияти билан бир хиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Мазкур Қонун тўғридан-тўғри амал қиладиган ҳужжат сифатида қабул қилинди. Барча қонуности ҳужжатлари, аудиторлик соҳасига тегишли ҳужжатлар тизимлаштирилиб, яхлит бир ҳужжат шаклида қонунда намоён бўлди. Молия вазирлиги ваколатли орган сифатида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади, аудиторларга малака сертификатини беради ва уларнинг реестрини юритади.

Қонунда аудиторлик билан шуғулланувчи ташкилотлар аудиторлик текширувларини ва турдош хизматларни кўрсатиши мумкинлиги белгиланган. Аудиторлик текширувлари мажбурий ва ташаббус тарзидаги текширувларга ажратилган. Молиявий ҳисоботларни тузиш, бухгалтерия ҳисобини юритиш, тиклаш ва қайта тиклаш масалалари ҳам алоҳида белгилаб ўтилган. Қонун доирасида аудитор холислик билан текширув ўтказиши, у ўз касби бўйича чуқур малакага эга бўлиши, ахборотларнинг махфийлиги каби бир қатор янги принциплар жорий қилинмоқда. Бу уларнинг мустақил ҳолатда текширув ўтказишлари ва холис хулоса беришлари, аудиторлик текширувига аралашувга чек қўйилиши ҳамда аудиторлар хулосаларининг очиқ ва шаффофлиги таъминланишига олиб келади.

Хулоса ва таклифлар Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикасида МҲХСни жорий этиш ва замонавий аудиторлик фаолиятини ташкил этишнинг пухта меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилган. Сўнгги йилларда қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатлари аудиторлик бозорини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда иқтисодиётда юз бераётган жадал ўзгаришлар жараёнида МҲХСнинг жорий этилиши олдинга қўйилган муҳим қадам ҳисобланади. Хорижий инвесторлар ва инвестицияларни жалб қилишда банклар, суғурта компаниялари, акциядорлик жамиятлари ва йирик солиқ тўловчи хўжалик юритувчи субъектларнинг МҲХС асосида иш олиб бориши ҳамда аудит текширувининг Халқаро аудит стандартлари асосида ўтказилиши манфаатдор шахслар учун ахборот шаффофлигини таъминлашга алоҳида хизмат қилади.

Дунё мамлакатларида энергетика тармоғи компанияларининг ҳисоб амалиётига МҲХСни жорий қилиш ҳолатининг таҳлили фойда кўламини манипуляция қилиш ва хўжалик фаолияти натижаларини яшириш бўйича пасайиш

тенденциясидан, шунингдек, халқаро стандартларни қўллашнинг ижобий самарасидан далолат беради.

Энергетика секторида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва МҲХС асосида молиявий ҳисоботни жорий этиш борасида корхона ва ташкилотларнинг тажрибасини тўплаш ва ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Сўнгги йилларда қабул қилинган аудиторлик фаолиятига оид меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар таҳлил қилинганида шундай хулосага келиш мумкинки, Ўзбекистонда аудит бозори ва аудиторлик фаолияти ривожланишнинг янги босқичига кўтарилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-677-сон Қонуни. https://lex.uz/uz/docs/5307886
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”ни тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. https://lex.uz/docs/3107036
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сон қарори. https://lex.uz/uz/docs/4746047
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сон қарори. https://lex.uz/uz/docs/3914502
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4720-сон қарори. https://lex.uz/docs/2635197
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 майдаги “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 274-сон қарори. https://www.lex.uz/docs/3203316
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун аудитнинг халқаро стандартларини тан олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 171-сон қарори. https://lex.uz/docs/5952173
8. Ҳамид Иргашев, Иброҳим Ахмадхонов. Ўзбекистонда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиши: янгича ёндашув ва имкониятлар. https://uza.uz/uz/posts/ozbekistonda-moliyaviy-hisobotning-xalqaro-standartlariga-otishi-yangicha-yondashuv-va-imkoniyatlar_190586
9. Каримов А., Қўзиев И., Раҳимов М. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, унга мослашиш йўлида қандай чора-тадбирлар кўзда тутилган? https://xs.uz/uzkr/post/moliyavij-hisobotning-khalqaro-standartlari-unga-moslashish-jolida-qandaj-chora-tadbirlar-kozda-tutilgan
10. Исманов И. МҲХС: муҳим жиҳатлар ва амалий тажриба. http://uzscite.uz/wp-content/uploads/2020/02/38-44.pdf
11. Терехова В.А. Международные и национальные стандарты бухгалтерского учета и отчетности: Практическое пособие. – М.: Издательство “Перспектива”, АКДИ “Экономика и жизнь”, 2000. – 302 с.
12. Дусмуратов Р.Д. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг шаклланиши ва унинг услубиётини такомиллаштириш: Иқтис. фанлари доктори дисс. – Т., 2010.

13. Климович В.П. Основы банковского аудита: Учебник. – М.: Финансы и статистика, 2007. – 225 с.
14. Мусаев Ҳ.Н. Аудит: Дарслик. – Т.: Молия, 2003. – 240 б.
15. Сатторов А. Аудиторлик фаолиятининг кўп поғонали тизимини такомиллаштириш: Иқтис. фанлари бўйича фалсафа доктори дисс. – Т., 2015.
16. IFRS Foundation. Use of IFRS Standards by Jurisdiction. https://www.ifrs.org/use-around-the-world/use-of-ifrs-standards-by-jurisdiction/